ЁШ АВЛОДГА ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИНИ ЕТКАЗИШ

Шерзод Иброим ўғли Иброимов
Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси

Мансур Фарманович Бўрибеков
Ўзбекистон Республикаси Президент мактаби (Тошкент шаҳар) ўқитувчиси

Мақсуда Анвар қизи Сатторова
Чирчиқ шаҳар 12-сонли мактаб ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мақолада экотуризм тушунчасининг илмий-назарий асослари ҳамда унинг жамият ҳаётида тутган роли ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: менежмент, экологик муҳит, саёҳат, ландшафтлар

TRANSMISSION OF THE CONTENT OF ECOLOGICAL TOURISM TO THE YOUNG GENERATION

Sherzod Ibroim ugli Ibroimov
Teacher of Chirchik State Pedagogical Institute

Mansur Farmanovich Buribekov
Teacher of Presidential School of the Republic of Uzbekistan

Maksuda Anvar kizi Sattorova
A teacher at school No. 12, Chirchik

ABSTRACT

The article discusses the scientific and theoretical foundations of the concept of ecotourism and its role in society.

Keywords: management, ecology, travel, landscapes.

КИРИШ

Табиат қучоғига уюштирилган сайёҳат кўпинча экотуризм деб тушунилади. Экотуризмнинг табиат туризмининг асосий қисми ҳисобланади.

“Экотуризм” атамаси кўпинча табиат туризми, барқарор туризм кабилар билан алмаштирилади. Дарвоқе, бир қанча элементлари туризмнинг бу хилма-хил турлари билан бир хил бўлсада, ушбу атамалар синонимлар эмас, уларни ўзаро алмаштириб бўлмайди. Экотуризм бу табиат туризмининг турларидан бири бўлиб, табиат турларининг бошқа бўлакларини ҳам ўзида намоён этиши мумкин. Экотуризмни аниқлашда қўйидаги таъриф кўпроқ ишлатилади.

“Экотуризм”- бу табиат туризми ҳисобланиб, табиий муҳитни билиш ва тушунишни ўз ичига олади. Менежмент сифатида шаклланади, қайсики бу фаолият экологик, ижтимоий ва маданий жиҳатдан барқарор бўлса” бундай аниқланиш “табиий муҳит” маданий компанентларини ҳам ўз ичига олишини таъкидлайди. “Экологик муҳит” эса маҳалий аҳоли учун маълум даромад ва фойдаланилган табиий ресурсларни узоқ муддат муҳофазасини қамраб бўлдаи. Янада равшанроқ баён этилса, экотуризм ҳам , туризмнинг бошқа барча турларига ўхшаб экологик барқарор бўлиши, сайёҳ- туристларга қўлайликлар туғдириши ва маҳаллий аҳолига даромад келтириши, шунингдек табиий ва маданий муҳитга “мос” келиши лозим. “Мос” келишлик, қайсики инсон фаолияти турлари, миқёсида ва усуллари ландшафт (экотизим) лар ва маҳаллий аҳоли кайфияти қизиқишларидир. Чунки ҳар қандай сайёҳлик ёки экотуризм маълум ҳудудда амалга оширилади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Табиатни туризм ёрдамида муҳофаза этиш муаммосини ҳал этиш натижасида қисқача **“экотуризм”** , кенг маънода экологик туризм сўзи пайдо бўлди. Лекин кўп изланувчлар фикрича “экотуризм” сўзининг чегараси тушуниб бўлмас даражада бўлган. Чунки маркетологлар бу сўзни дастлабки ишлатилагн вақтда табиатга интилган ва уни муҳофаза этмоқчи бўлган сайёҳларга таклиф этишганда унинг маъносини таҳлил этишмаган ва ҳаттоки бундай туроператорларнинг табиатни муҳофаза этишни тушунмай бу сўзга табиатга сайёҳат нуқтаи назаридан қарашган. Шу сабабли туризм назариётчилари бу сўзга анча вақтгача киноялиқарашган. Шу сабабли экотуризмни биринчи бўлиб ўрганган В.В.Хребовченко фикрича “экотуризм” сўзининг тушунчаси “экологик туризм” сўзининг қисқартирилган, лекин уни ишлатилиши экология фани нуқтаи назаридан унчалик тўғри эмас деб ёзганди.

Экотуризмнинг биринчи ва анча тўғри тушунчасини Г.С.Гужин, М.Ю.Беликов ва Е.В.Клименко 1997 йилда берилган: **“Экотуризм асосидатабиатни муҳофаза этиш ташвишлари ётади”**, бундай сайёҳатда одинги кам сонли сайёҳатчилар гуруҳини табиатга чиқиб, табиий ресурсларни муҳофаза этиш бўйича ҳар турли лойиҳаларни амалга ошириш учун қилган ишларни тушунилади. Бу тушунча халқаро экотуризм жамиятининг тушунчасига ҳам тўғри келиб унда ёзилишича, **экотуризм**- “табиат минтақаларига масъул сайёҳат бўлиб, унда маҳаллий аҳолининг ижтимоий аҳволи муҳофаза этилади”.

НАТИЖАЛАР

Экотуризм тушунчасини аниқлашда хориж адабиётларидатурли ёндашувлар учрайди. Қозоғистонлик М.Мусатаевнинг фикрича, унинг моҳияти қуйидагилардан хисобланади:

- Табиатнинг ёввоий жойларига сайёҳат;
- Табиатга таъсирнинг жуда пастлиги;

- Табиий ҳудудлар ва табиат муҳофазасини фаолиятини қўллаб-қувватлаш;
- Экологик таълим-тарбияга эга бўлиш;
- Маҳаллий аҳолини ана шу фаолиятлардан даромад қилишда қатнашишлари, қайсики табиий муҳитни сақлашда туртки ҳисобланади.

Россиялик олимлар И.Зорин ва В.Квартальний экотуризмга икки хил таъриф берадилар. **Экотуризм**- сайёҳатларнинг яшаш муҳити сифатида ва барча туризм компанентлари экологик технологияларни қўллаган ҳолда ”Ёввоий” табиатда бевосита озми-кўпми фойдаланишга қаратилган туризмдир.

Экотуризм- табиатга барча экологик муносабатларни мужассамлаштириб уюштирилган сайёҳат, янги ландшафтлар билан танишувдаги хушкайфият, ўсимлик ва ҳайвонлар намуналарини уларнинг мумкин қадар муҳофазасига мос тарзда ўрганишдир. Муаллифларнинг фикрича экотуризмнинг асосий ресурслари муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар, қўриқхоналар, миллий ва табиат боғлари, ноёб ва типик ландшафтлар ҳисобланади.

МУҲОКАМА

Экотуризмнинг бошқа туризм турларидан ўзига хос хусусиятлари қирғиз эксперти А.Тохтогулова томонидан аниқ ва равшан тарзда ажратилган:

1. Экотуризм яхши сақланган табиий ҳудудларга сайёҳат ва ташриф бўлиб, булар миллий ва табиат боғлари, резерватлар ва муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг бошқа турларини ўз ичига олади.
2. Экотуризм нисбатан қонун-қоидаларга бўйсиниш ва уларга кескин риоя қилиш, сақланишилозимлиги мавжуд тушуниладиган тармоқ.
3. Экотуризм табиий муҳитга салбий таъсирлар нисбатан кучсизлиги билан фарқланувчи бўлганлигидан, баъзан уни “юмшоқ туризм” ҳам деб аталади. Шу боис ҳам у муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларда амалда табиий ресурслардан фойдаланишнинг ягона туридир.
4. Экотуризмда маҳаллий жамоа нафақат хизмат кўрсатувчи сифатида фаолият кўрсатади, балки муҳофаза қилинадиган ҳудудда яшашни давом эттиради, қайсики табиатдан фойдаланишнинг ўзига хос таркибига риоя қилган ҳолда хужаликнинг анъанавий турлари билан шуғулланади. Демак, экотуризм-бу туризм, унда сайёҳатчилар учун дам олиш, ҳурсандчилик ва экологик тарбия мужассамлашган. Шунинг учун туризмнинг ушбу тури алоҳида ёндашув ва режалаштиришни тақозо этади.

Ҳозирги кунда экологик туризмга эътибор ҳар қачонгидан ҳам катта. Бу дунёнинг барча давлатларига тегишли бўлиб, фаол дам олишнинг бир тури, унга кўра инсон ўз соғлиғини тиклабгина қолмай, балки бир қанча эстетик хиссиётларни олади. Ҳозирги кунда экологик туризм энг ривожланган дам олиш тури бўлиб, бу спорт тури ҳам ҳисобланиб, туризм энг ривожлангансоҳасига айланмоқда. Экотуризмнинг мақсади ҳозирги ва келажак авлодларнинг экологик хавфсизлиги ва барқарор ривожланишини таъминлаш учун табиатдан сайёҳлик йўналишида оқилона фойдаланишдан иборат.

ХУЛОСА

Экологик туризм деб тан олиш учун фўйидаги қоидаларга риоя қилиш керак:

- Кўрсатилган хизмат йўналиши экологик бўлиши;
- Сайёҳларга хизмат кўрсатадиган транспорт экологик жиҳатдан тоза;
- Овқат фойдали экологик тоза ва таркибида маҳаллий маҳсулотлар бўлиши;
- Малакали гидлар;
- Сайёҳларни қизиқарли ва экологик тоза табиий ва маданий жойларга бошлаб бориш керак.

Бутунжаҳон туристлик ташкилоти (БТТ) таърифича – **“Экологик туризм**-табиий ҳудудларга маъсулият билан сайёҳат қилиш натижасида табиатни муҳофаза этишни таъминлайди ва махаллий халқнинг турмуш даражасини яхшилайди”.

Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантириш Концепциясида-экотуризм деганда нафақат маърифий-маънавий мақсадларни кўзлаган ҳолда экзотик табиий ҳудудларга, уларнинг ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига сайёҳат балки ижтимоий – иқтисодий масалаларнинг амалга оширилиши ёрдамида экологик муаммоларни ҳал қилиш билан бир- бирига боғлиқ мажмуалар йиғиндисини тушунамиз.

Мактаб ўқувчи ёшлар онгига экотурзмни қанчалик фойдали томонлари ва табиатни асрашдаги тушанчалар тўлиқ сингдирилиши керак.

REFERENCES

1. Исаченко а.г. География сегодня: пособие для учителей.-М.: ние, 1979,-192 с.
2. Квартальнов В.А. Туризм.-Финансы и ст\атистика, 2003.-309 с.
3. Кусков А.С., Голубева В.Л., Одинцова Т.Н. рекреционная география: учебно-методический комплекс.-М.: Флинта МПСИ, 2005. -315с.
4. Преображенский В.С. Поиск а географии.: Кн.для учителя.- рекреация.: Просвещение, 1986.-224с.
5. Преображенский В.С., Веденин Ю.А. География и отдых. –М.: Наука, 1971. -48 с.
6. Реймерс Н.Ф. Экология. М.: Россия молодая, 1994.
7. Теоретические основы рекреационной географии.-М.: Наука. 1975.ф
8. Karamatilloevich, AL, Abduvaliyevich, MT va Kudratullayevich, XR (2020). Jomiy asarlaridagi tasavvuf va bag'rikenglikning ma'naviy aloqasi. Xalqaro ko'p tarmoqli tadqiqotlar va nashrlar jurnali (IJMRAP) , 2 (11), 1-4.
9. Xaymetmetov, RK, Madalimov, TA, & Axatov, LK (2020). Emil Dyurkgeym qarashlarida inson psixologik inqirozlari muammosi. Nuka, obrazovanie va kultura , (6), 50-56.
10. Rakhimov, A. K., Jononova, R. N., & Egamberdieva, L. N. (2020). MethodologicalSupportUsing Innovative Teaching for the Development of Natural and Scientific Outlook of Students methodological SupportUsing InnovativeTeaching

for the Development of Natural and Scientific Outlook Of Students. International Journal of Psychological Rehabilitation, 24(7), 8136-8142.
11. Ramazonov, BR, Mutalov, KA, Fayziev, VB, & Koraev, SB (2020). Qoraqalpog'iston respublikasi takir va o'tloqi tuproqlarining morfogenetik xususiyatlari va biologik faolligi (chimboy tumani tuproqlari misolida) Qoraqalpog'iston Respublikasi takir va o'tloqi tuproqlarining morfogenetik xususiyatlari va biologik faolligi (chimboy tumani tuproqlari misolida) . Tanqidiy sharhlar jurnali , 7 (5), 243-249.
12. Ражабов, Ф. Т. (2014). Фермерские хозяйства Узбекистана: развитие и региональные особенности. Позиционирование России и её регионов в современном мире: общественногеографический анализ и прогноз/под ред. АГ Дружинина. Санкт-Петербург, ЦУП, 152-157.
13. Иброимов, Ш. И. Ў., & Болтаев, М. Ж. (2020). Ўзбекистон тоғ-водийларининг экотуристик имкониятлари ва улардан фойдаланиш. Academic research in educational sciences, (1).
14. Ibroimov, S., & Madaminova, M. (2020). Maktablarda geografiya fanini o ‘qitish samaradorligini oshirishda innovatsion texnologiyalarni qo ‘llash. Academic research in educational sciences, (1).
15. Karimovich, RA (2020). Talabalarning tabiiy va ilmiy dunyoqarashini rivojlantirish metodologiyasini takomillashtirish (Evolyutsiya doktrinasi O mavzusini o'qitish misolida). Xalqaro psixologik reabilitatsiya jurnali , 24 (2).
16. Khaytmetov, R., Madalimov, T., & Akhatov, L. (2020). The Problem of Tolerance in Oriental Philosophy. Multidisciplinary Peer Reviewed Journal, 6(7), 130-133.
17. Ражабов, Ф. Т. (2015). Региональные особенности развития сельского хозяйства Республики Узбекистан (на примере Кашкадарьинской области). Социально-экономическая география: Вестник Ассоциации российских географов-обществоведов (АРГО), (1), 195.
18. Shernayev Akbar (2020/1/30) Abstracts of V International Scientific and Practical Conference Osaka, Japan 29-31 January 2020,189-193.
19. Zakirov, D. (2020). ECOLOGICAL EDUCATION IN PRESCHOOL INSTITUTIONS. ACTA NUUz, 1(4), 72-74.
20. Муталов, К. А., Рамазонов, Б. Р., & Закиров, Д. У. (2020). Полукустарничковая растительность Юго Западного Кызылкума Материалы международной научно-практической конференции «Охрана и рациональное использование природных ресурсов Южного Приаралья» г.